



«ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ТУРЛИ СИЁСИЙ ФРАКЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ҚАНЧАЛИК КЕСКИН ВА КУЧЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУАЙЯН СИЁСИЙ КУЧЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ЎЗИДА ИФОДА ЭТАДИГАН ҲАР ҚАЙСИ ПАРТИЯНИНГ ҒОЯЛАРИ, ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИНING КАФОЛАТИ ҲАМ ШУНЧАЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ».

ЎзХДП: электорат манфаати

Битирувчилар бандлигини таъминлаш

бўйича белгиланган вазифалар ижроси партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамжиҳатлиги ҳамда ҳамкорлигига боғлиқ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎзХДП сайловолди дастурида белгиланган яна бир вазифа амалга ошди

Бунга партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси таклифи билан эришилди

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Меҳнат кодексига киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда қатъий ва изчил равишда амалга оширилаётган бандлик сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, меҳнатга оид муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)

Тўра НОРБОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши экспертлар гуруҳи аъзоси, фалсафа фанлари номзоди, доцент:

«Партиямиз тизимидаги ишларни янада жонлантириш, айниқса, ҳудудий ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштиришда услубий қўлланмалар муҳим ўрин тутди. Услубий қўлланмалар қисқа, аниқ ва раван тилда ёзилишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Қўлланмаларда партия фаолият йўналишларини изчил кўрсатиш, бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтиришга қаратилган муҳим тавсиялар, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ҳаётий таклифлар бўлиши зарур. Чунки услубий қўлланмалар партия ташкилотлари етакчиларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда, партиямиз тизимидаги тадбирлар маълум мақсад асосида, таъсирчан руҳда ўтишида долзарб аҳамият касб этади.



Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Тошкент шаҳар Кенгаши Ишчи гуруҳи фаолият юритиб келмоқда. Яқинда мазкур Ишчи гуруҳи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги билан бирга оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб амалий семинар ўтказди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда тумандаги касб-хунар коллежлари раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

2013 йил – Обод турмуш йили

САЛОМАТЛИК ВА ЮКСАК ТАРБИЯ ОМИЛИ

Мамлакатимизда 5-11 август кунлари она сути билан озиқлантиришни тарғиб этиш ҳафталиги бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, она сути таркибида боланинг соғлом, тетик ва баркамол бўлиб ўсиши учун зарур юздан зиёд микроэлементлар мавжуд. Она сути билан озиқлантириш орқали чақалоқлар ўртасида учрайдиган ва уларнинг ҳаётига

жиддий хавф тугдирадиган кўплаб хасталикларнинг олдини олиш мумкин. Эмизикли аёлларда кўрак бези саратони касаллиги келиб чиқиши хавфи камаяди.

(Давоми 2-бетда.)

Янги қишлоқларда байрам шукуҳи

Энг улуг, энг азиз айём – мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик байрами арафасида Нукус тумани қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда ҳовли тўйлари нишонланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ жойларда замонавий сервис хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур қарор ижроси бўйича жорий йилда Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Узункўл массивида 90 та замонавий уй бунёд этиш режалаштирилган. Янги массивда 2009 йили 20

та уй қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2010 йилда 20, 2011 йилда 50, 2012 йилда 118 та янги уй қурилди. Янги қишлоқ аҳолиси учун 2,1 километр сув ва 2,8 километр газ тармоқлари, 1,95 километр юқори кучланишдаги электр линияси тортилди ва трансформатор станцияси ўрнатилди, 4,5 километр йўл қурилди.

Ўтган йиллар давомида «Бақаншақли» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жийдали массивида ҳам намунавий лойиҳалар асосида янги уйлар бунёд этилди. – дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Узқоберганов. – Янги қишлоқларнинг аҳолиси учун 2009-2012 йилларда қатор ижтимоий соҳа объект-

лари – мини-банк, савдо маркази, болалар спорт майдончаси ва бошқа маиший хизмат шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда нон цехи иш бошлади. Хусусий тадбиркорларнинг савй-ҳаракати туфайли кичик бозорча қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Бунёдкорлик ишлари «Амударё қурилиш», «Кунградстройстил», «Ақмангит жой қурилиш», «Қорақалпоқ қишлоқ қурилиш келажаги» масъулияти чекланган жамиятлари, «Зиёда А» қурилиш фирмаси каби 9 ташкилот томонидан амалга оширилмоқда.

Саманбай овулининг бир неча оиласи мустақиллигининг 22 йиллик байрамининг янги уйда нишонлайди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

Истиқлол манзаралари

Тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида жаҳонда кенг эътироф этилган ушбу ривожланиш йўлининг ҳаётбахш самаралари — озод ва обод Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор қиёфаси, шаҳару қишлоқларимиз жамоли, халқимиз фаровонлигида намоён бўлмоқда! ➔ 3



«Шарқ тароналари»



Дастлабки йилларда фестивал асосан Осиё қитъаси вакиллари иштирокида ўтказиларди. Бугун эса жаҳоннинг турли бурчакларидан иштирокчилар ташриф буюрмоқда, кўплаб санъаткорлар унда қатнашиш истагини билдирмоқда. ➔ 4

Бугун ЎзХДП ташкилотларида ўтказилаётган сиёсий-маърифий тадбирлар замирида ҳам ёшлар онгига Она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришга қаратилган эзгу мақсад мужассам. ➔ 2



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг!

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Шароит ва имконият етарли фақат ишга масъулият билан ёндашиш зарур



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Битирувчилар бандлигини таъминлаш

бўйича белгиланган вазифалар ижроси партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамжиҳатлиги ҳамда ҳамкорлигига боғлиқ

Амалий семинарда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Ишчи гуруҳ аъзоси Учкун Шойимкулов аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда давлат, маҳаллий ривожланиш дастурларининг аҳамияти, уларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ишчи гуруҳ раҳбари, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Фарид Абдурахимов «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар амалга оширилиши, бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий дас-

турларнинг ижросини ўрганиш натижалари, йил қўйлаётган камчиликларни бартараф этишда партия фаолларининг иштироки тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳар биримизга дахлдор масала, — деди у. — Жорий йилда пойтахтимиздаги касб-хунар коллежларини битираётган 24 мингдан ортқ ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Ўқув йили бошида деярли барча битирувчилар билан уч томонлама шартномалар тузилганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирга қадар иш жойига эга бўлмаган битирувчилар оз эмас. Ваҳоланки, касб-хунар коллежларига қабул амалга оширилаётган вақтда битирувчиларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Яъни, бу борада изчил тизим яратилган. Маълумки, ҳукумат томонидан ҳар йили ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади. Бу дастурларга кўра, коллеж талабаси қаерда ишлаши икки-уч йил олдин аниқ бўлади. Афсуски, мазкур дастурлар ҳамма жойда ҳам ўз вақтида бажарилмапти. Натижада битирувчилар бандлиги билан боғлиқ масалалар ҳам юзага келяпти. Бу борада бизнинг барча партия ташкилотларимиз ва фаолларимиз ҳам талаб даражасида иш олиб бормоқда, деб айта оламизми? Бизнинг фикримизча сиёсий партиялар ташкилотлари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар бу масалага алоҳида эътибор қаратиши, ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатларни кучайтириш зарур.

Шунингдек, семинарда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлашда депутат-

лик назоратини кучайтириш масалалари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова сўз юритди.

— Депутат ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини чуқур билиши, ишлаб чиқилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ҳусусида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак, — деди у. — Шунда депутатлик назорати самарали бўлади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»-ги Қонунда депутатлик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар белгиланган. Қонунга мувофиқ, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қараганда масалалар юзасидан асосланган раҳбарлик тушултириш бериш ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари мазкур сўров олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай депутат сўровига жавоб беришга мажбур.

Семинарда муҳокама этилаётган масалаларни самарали ҳал этишда депутатлик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбир давомида Мирзо Улугбек туманида янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг ҳолатига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда 863 та янги иш ўрни яратилган.

— Жорий йилда касб-хунар коллежларининг 2771 нафар битирувчисини

иш билан таъминлаш режалаштирилган, — деди Мирзо Улугбек туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Озодбек Фозилов. — Битирувчиларни иш билан таъминлаш борасидаги тадбирларни мониторинг қилиш, юзага келаётган камчиликларни таҳлил этиб бориш мақсадида 8 нафар ходимимиздан иборат ишчи гуруҳ ишляпти. Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида жиддий ишлашимиз зарур. Ҳамкор ташкилотлар, ҳокимлик, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари билан ўзаро изчил алоқани йўлга қўйишимиз лозим.

— Худудимизда 52 та маҳалла бор, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улугбек туман бўлими раҳбари Нурхон Алланазарова. — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва мутасадди ташкилотлари билан бирга туманимизда 1653 нафар ишсиз фуқаро борлиги аниқланиб, улар рўйхати тузилган эди. Ҳозирги кунга қадар уларнинг 1500 нафардан ортисини иш билан таъминлашга эришдик. Ҳар бир маҳалла идорасида туманда мавжуд бўш иш ўринлари бўйича маълумотлар тахтаси ташкил этилган. Маҳаллада яшаётган фуқаролар исталган пайтда маҳалла биносига келиб, иш ўринлари бўйича маълумотни олиши мумкин.

Семинар якунида билдирилган тақлиф-тавсиялар асосида аҳоли ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини янада кучайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда ЎзХДП ташкилотлари, фаоллари ва депутатлик гуруҳининг фаол иштирокини таъминлаш, ташаббускорлигини ошириш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган.

Нурли ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

2013 йил – Обод турмуш йили

Саломатлик ва юксак тарбия омили

Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жағмаси — ЮНИСЕФ кўмағида бутун дунёда болаларни она сuti билан озиқлантиришга бағишланган «ўн қадам» тамойили ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳар йили ушбу масалаларга бағишланган ойликлар, ҳафталиклар ўтказиш аънаънага айланиб бораётир. Мамлакатимизда бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.

Болаларни кўкрак сuti билан озиқлантириш бўйича миллий тажриба ва жаҳон табиъатининг илғор услубларини табиъат ҳодимлари ўртасида кенг оммалаштириш мақсадида мунтазам равишда семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Бирламчи табиъат муассасалари, туғуруқ мажмуалари, болалар шифохоналари ва бошқа саломатлик масканларида она ва болага замонвий усулда табиб ёрдами кўрсатиш, болани парваришлаш, кўкрак сuti билан озиқлантиришнинг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада фаоллик кўрсатаётган табиъат масканлари ЮНИСЕФнинг «Боллага меҳри баланд шифохона» сертификат билан тақдирланмоқда. 2011-2012 йилларда мамлакатимиздаги тўқсонга яқин табиъат маскани ана шундай сертификатга эга бўлди.

Халқлар микёсда ўтказилган она сuti билан озиқлантиришнинг тарғиб этиш ҳафталиги доирасида шифокорларимиз томонидан табиъат муассасалари, маҳаллаларда кенг кўламли тарғибот-тушултириш ишлари амалга оширилди.

— Мазкур ҳафталик доирасида ёш оналар иштирокида болани кўкрак сuti билан озиқлантиришнинг она ва болага саломатлигига фойдали жиҳатлари ҳусусида машғулотлар ташкил этилди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Нилуфар Савдуллаева. — Оилаларда мутахассислар иштирокида суҳбатлар уюштирилди. Мунтазам ўтказилаётган бундай тадбирлар самарасида оналар ва болалар ўлимнинг олди олинмоқда, ҳавфли касалликлар кўрсаткичи кескин камайиб бораётир.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП: электорат манфаати



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ЯНА БИР ВАЗИФА АМАЛГА ОШДИ

Бунга партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси таклифи билан эришилди

Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларда Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича сиёсий партиялар фракциялари томонидан турли фикр-мулоҳазалар, хилма-хил тақлифлар ўртага ташланди. Хусусан, таълим муассасалари битирувчилари ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар белгиланган, бу борада иш берувчилар масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларда фракциямиз ва ЎзЛиДеП фракцияси ўз дас-

Энди Меҳнат кодексига киритилаётган муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларга эътибор қаратсак. Меҳнат кодексининг 84-моддасига ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини ҳамда олий ўқув юр்தларини тамомлаб, дастлабки уч йил ичида ишга қираётган битирувчилари ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар белгиланган, бу борада иш берувчилар масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларда фракциямиз ва ЎзЛиДеП фракцияси ўз дас-

Шу ўринда қайд этиш жоизки, қонунчиликка асосан меҳнат шартномаси ходимнинг ишга лаёқатини текшириб қўриш, ишни давом эттиришнинг мақсадида мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш учун дастлабки синов муддати билан тузилади. Синов муддати уч ойдан ошиб кетмаслиги белгиланган. Бу даврда ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва қорхонада ўрнатилган ички тартиб қоидалари тўлиқ татбиқ этилади. Синов натижаси қониқарсиз бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

Гап шундаки, таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар бирор-бир ташкилот ёки қорхонада ишлаб кетиши учун улар дастлаб қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Шарт-шароитга, муҳитга қўниқиб олиши учун маълум вақт талаб этилади. Таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати белгиланмаслиги ёшларнинг ишлаб кетиш кафолатини оширади. Энг муҳими, битирувчининг расмийлаштирилган ишга қабул қилиб, бироз вақт ўтгач, ишдан бўшатиш билан боғлиқ салбий ҳолатларга чек қўйишга хизмат қилади.

Фракциямиз таклифи билан Меҳнат кодексига таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича меъёрлар киритилмоқда. Мазкур меъёрлар ёшларни иш билан таъминлаш, ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлаш кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу орқали таълим муассасаси битирувчисини ишга қабул қилиш бўйича иш берувчининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилапти. Таълим муассасасини битирувчи, дастлабки уч йил мобайнида ишга қиролган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бир йил давомида иш берувчи ташаббуси асосида бекор қилиниши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бу борада ижтимоий муҳофазани кучайтириш, партиямиз электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ҳаётли аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳолини, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан тўлиқ таъминлаш бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви маҳаллий органлари ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги қорхоналарнинг масъулиятини ошириш механизминини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш вазифаси белгиланган эди. Меҳнат кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақлиф этиш орқали фракциямиз партия Сайловолди дастурида белгиланган яна бир вазифани амалга оширишга эришмоқда.

Улугбек ХОЖИБЕКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Ижтимоий-иқтисодий фаоллик, сиёсий-ҳуқуқий маданият

ислохотлар самарадорлигига хизмат қилади



ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши билан биргаликда «Миллий ғоя ва миллий манфаатлар уйғунлиги ҳамда уларни тарғиб этишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари» мавзусида семинар ўтказди.

Олмасор туманидаги Беруний номи маҳаллада ташкил этилган тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари етакчилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мустақиллиқни асраш ва мустаҳкамлаш, тинчлик ва осейишталлиқни таъминлаш ҳақида фикр юритиб, демократик ислохотлар мазмун-моҳиятини кишилар онига чуқур сингдириш, сиёсий ҳараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини таъкидлашди.

Максуд КОСИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш жамоатчилик назоратининг таъсирини кучайтиришга, жойларда ислохотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қила-

ди. Шундан келиб чиқиб, партиямиз электоратининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга эътиборни янада кучайтириш зарур. Бу борада партияларга давлат ва жамяят бошқарувини демократлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш учун яратиб берилган ваколатлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Кейинги вақтларда қабул қилинаётган қонунлар, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда, кишиларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда партия тизимида ташкил этилаётган турли тадбирлар, сиёсий ўқувларнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Депутат сифатида фуқаролар билан учрашувларимизда ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Дилором ЭРГАШЕВА,
Беруний номи маҳалла маслаҳатчиси:

— Маҳалла — халқимизнинг азалий қадриятларини бойитиб келаётган

мўтабар маскан. Бу ерда ёшларга иззат, кексаларга ҳурмат, ҳоҳат-мандага ёрдам каби инсоний фазилатлар қадр топиб, сайқалланиб боради. Шу боис ҳаётимизда маҳалланинг ўрни жуда катта.

Бугун маҳалла институтини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалла имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бу ишлар ЎзХДП дастурий мақсадлари билан ҳамоханлиги учун туман партия кенгаши билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Худудда партиямиз электоратини ташвишга солаётган масалаларни ўрганиб, жойида ҳал этишга ҳаракат қиламиз, шу жараёнда фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурроқ англаб боради, уларда сиёсий-ҳуқуқий маданият шаклланади.

Робия РЎЗИЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Ўз тақдирини эл-юрт тақдир билан боғлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайдди, деб қўп таъкидлашдаида устозларимиз. Ўзим шунинг англаб етдимки, бундай кишиларнинг аввало маънавияти юксак бўлади, улар соғлом фикрлайди, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарайди. Бугун ЎзХДП ташкилотларида ўтказилаётган сиёсий-маърифий тадбирлар замирида ҳам ёшлар онига Она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришга қаратилган зўғу мақсад муҳассас.

Тадбирда, шунингдек, миллий ғояни тарғиб этишда баландларвоз гаплардан қочиш, оддий ҳаётий мисоллар ёрдамида ислохотларнинг натижаларини очиб бериш, бу борада партия ташкилотлари ҳамда депутатларимиз амалга ошираётган ишларни таҳлил этиш, улар ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Гулрўх ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

